SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 16-OKTABR ■ PAYSHANBA ■ 122 (27.142) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Қўқон шаҳрининг сўлим гўшаларидан бири Афғонбоғ маҳалласида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар билан оила масъулияти, миллий қадриятларимиз аҳамияти, ўзбек удумлари мавзуидаги суҳбат ва учрашувларда нуроний отахон ва онахонларимиз фаол қатнашишмоқда.

Мамадали ота ёшлар тарбиясига ҳаётини бағишлаган ана шундай фидойи инсонлардан. Отахон умр йўлдоши Назираой ая билан узоқ йиллар ўқитувчилик касбини ардоқлаб, ёш авлодга таълим-тарбия беришди. Бугун улар 7 нафар фарзанд, ўнлаб невара ва 8 эваранинг ардоғида. Бу пиру бадавлат хонадон соҳиблари ҳалол меҳнат инсонга чексиз бахт, иқбол олиб келишини исботлаб, қўша қариб келишмоқда.

❖❖❖

Суратда: Мамадали ҳожи ота ва Назираой ҳожи она дастурхонга хурмо узишмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат

ҚУТҚАРУВЧИЛАР РУМИНИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

НАТО ташаббуси билан табиий офатларнинг хавфини камайтиришга қаратилган халқаро тадбирларнинг ўтказилиши бутун дунё бўйича уни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш, оқибатларини тугатишда ёрдам қўлини чўзиш, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашдек кўникмаларнинг ҳосил бўлишига улкан ҳисса қўшмоқда. Эътироф этиш керакки, бу саъй-ҳаракатлар, айниқса, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида олиб борилган давлатлараро муносабатларда ўз ифодасини топаяпти.

Республикамиз ўзининг иқлими, жўғрофий жойлашуви жиҳатидан бошқа минтақалардан бирмунча фарқ қилади. Ўлкамизни зилзила, сел ва сув тошқинлари, ер ва қор кўчки ҳодисаларидан холи зона, деб бўлмайди. Шу боис, офатлар хавфини камайтириш ва уни бартараф этиш бўйича халқаро ўқув машқлари жорий йилнинг 28-30 апрелида Марказий Осиёда биринчи бўлиб Фарғонада ўтказилди.



Навбатдаги халқаро ўқув машқлари Руминиянинг Питешти шаҳрида бўлиб, дунёнинг 16 давлатидан келган қутқарувчилар халқаро машқларда иштирок этган бўлса, 36 мамлакат эса кузатувчи сифатида қатнашди.

Машқ жараёнида ўзбекистонлик қутқарувчилар зиммасига теракт ҳодисаси туфайли портлаш содир бўлганда радиоактив манбаларни аниқлаб, харитасини тузиш, уни зарарсизлантириш бўйича хулоса бериш вазифаси топширилган эди. Ўқув машқлари ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи штаб ва кузатувчилар ўзбекистонлик қутқарувчиларнинг маҳоратига юқори баҳо беришди.

Азамат СУЮНОВ

«Пахта — 2003»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БИРИНЧИ

Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта етиштириш борасидаги шартномавий режасини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 1040 тоннадан зиёд юқори сифатли хомашё етказиб берилди. Йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалаш учун 17 кун кифоя қилди. Хўжаликнинг Мавлон Аширалиев, Ўринбой Абдулахатовлар бош бўлган пудратчилари ўртача ҳосилдорликни биринчи теримнинг ўзидаёқ 33-34 центнерга етказдилар.

Пахтакорлар давлат қабул пунктларига иккинчи репродукцияли 500 тонна сара уруғлик ҳам топшириб хўжаликка 27 миллион сўмлик даромад келтирди.

— Ҳали 30 гектар терилмаган пахтамиз бор, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Кенбой Кўккузов. — Уни териб олсак, давлатга яна 200 тонна пахта сотиш имконига эгамиз. Шунда даромадимиз 300 миллион сўмга етиб қолади.

Орзиқул МАЪМУРОВ

ПЕШҚАДАМ БЎЛИШ ОСОНМАС

Ховос туманидаги «Навбаҳор» ширкатлар уюшмаси ҳудудида фаолият юритаётган «Абдужаббор» фермер хўжалиги пахта йиғим-теримидаги йиллик режани бажарди. Абдураззоқ Каримов бошчилик қилаётган мазкур жамоа бу йил 50 гектар ерда деҳқончилик қилди ва биринчи теримдаёқ маррадан ошди. Давлатга 71 тонна ўрнига 75 тонна пахта сотилди.

Омади чопган ховослик фермерни вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров қутлади ҳамда унга рангли телевизор совға қилди. Вилоятда биринчи бўлиш бахтига эришган ушбу жамоа пахтакорлари ҳозир 100 тонналик маррага интилмоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Брюссель шаҳрида иқтисодиёт, савдо ва сармоялар бўйича «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» кичик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ, Ўзбекистонда ЕИнинг иқтисодий фаолиятини жонлантириш, сармоявий муҳитни ривожлантириш бўйича тадбирларни ўтказиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ҳамда Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида томонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Европа томони иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиёти талаблари асосида институционал ривожланиш, ташқи савдони эркинлаштириш, сармоявий муҳитни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон амалга ошираётган саъй-ҳаракатлардан қониқиш ҳосил қилаётганлигини билдирди. ЕТТБнинг Тошкентда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида изҳор этилган тавсияларнинг бажарилиши нақадар муҳимлигига эътибор қаратилиб, ЕИ билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришга кўмак беришга тайёр эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Фикр алмашиш жараёнида транспорт йўлакларини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш билан бирга, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакат йўлларини таъмирлаш ва ирригация иншоотларини қайта қуриш лойиҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Божхона соҳасидаги ҳамкорлик масаласида тўхталиб, Европа томони Ўзбекистон томонининг муайян эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, республика божхона ва чегара хизматларини ривожлантиришга кўмак беришга ўзининг тайёрлигини яна бир карра таъкидлади.

Умуман, томонлар Ўзбекистон эҳтиёжларини яхшироқ тушунишни таъминлаш ва Европа Иттифоқи томонидан кўмак берилиши мумкин бўлган йўналишларни белгилаш мақсадида экспертлар даражасида мулоқотни давом эттириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш заруратини эътироф этдилар.

«Жаҳон» АА

ТОҒ ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

18 октябрь куни пойтахтнинг Амир Темур хиёбонида «Сўғдиёна» халқаро автопойгасига старт берилади. «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги — 2003» деб номланган бу галги мусобақанинг бошланиши мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Молиявий қийинчиликларга қарамай, мусобақа ташкилотчилари пойгани ўн олтинчи марта уюштиришга имкон топишди. Ташкилий ишларга «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси, республика Спорт қўмитаси билан «Ралли-спорт» клуби бош бўлди. Мусобақа иштирокчилари алоҳида тайёрланган пойга машиналарида йўлга чиқадилар. Бу машиналар орасида «ЎзДЭУавто» маҳсулоти ҳам борлиги диққатга сазовор. Пойгачилар Чимён тоғ йўллари, Чорвоқ денгизи атрофларида мусобақалашиб, жами 400 километрлик йўлни босиб ўтадилар. Мусобақага Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа МДҲ мамлакатларидан пойгачиларнинг келиши кутилмоқда.

Шаҳобиддин ЗАЙНИДДИНОВ

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

БИР ШАҲРИСТОН БОРКИМ, САМАРҚАНД ДЕРЛАР



«Юртимизга ташриф буюраётган туристларга сервис хизмат кўрсатиш даражасини кескин яхшилашимиз лозим. Бу муаммони ижобий ҳал этишда хусусий фирмалар, тадбиркорлар ва шахсий ташаббускорлар муҳим рол ўйнайди. Айни пайтда Самарқандда бундай хусусий тадбиркорликка қўл урган шахслар кўп. Энди уларни биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Токи шаҳримизга ташриф буюраётган сайёҳ 2-3 кун эмас 4-5 кун қолиб ҳам зерикмайдиган бўлсин».

Ислом КАРИМОВ

Жумлаи жаҳонга яхши маълумки, туризм ҳар бир мамлакат иқтисодиёти тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳар бир миллатнинг миллий ва маданий қадриятларини дунёга тарғиб қилишда ҳам бу соҳа муҳим ўрин тутади. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда миллий сайёҳлик тизими ривожига жиддий эътибор берилди. Хўш, жаҳон халқлари ниготига тушган, тарихи камида 3540 йилга тенг қадимий туризм марказларидан ҳисобланмиш Самарқандда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мустақиллик йилларида туризмни ривожлантириш бўйича қандай янги тажрибалар яратилди?

Самарқанд бой тарихий ўтмишга эга қадим юрт. Унинг ҳусни жамоли, тарихий обидалари қадим-қадимдан буён дунё халқларида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бугунги кунда вилоятда икки мингдан зиёд тарихий обида, қадамжолар мавжуд бўлиб, шундан ўн бешга яқини Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг ҳисобида туради. Мустамлакачилик йилларида қаровсиз, аянчли аҳволга тушиб қолган, бой маданий меросимиз — тарихий обидалар мустақиллик шарофати билан қайта қадр топди. Регистон ансамбли, «Гўри амир» мақбараси, «Бибихоним» масжид мажмуаси, Хўжа Донёр, Улуғбек расадхонаси каби мажмуалар қайта таъмирланиб, Имом ал-Бухорий, Чокардиза хилхонасидаги Имом ал-Мотуридий каби азиз авлиёларнинг ҳоклари қўним топган жойларда катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Узоқ йиллар чор атрофи пахтазору экин майдонларига айлантирилиб, кичик бир масжид даражасига тушиб қолган Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи миллий услубда қайта қурилди. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти рўйхатидаги обидалар қаторига қўшилиб, дунё халқларининг эътиборига тушди. Ҳозирда ушбу қадим даргоҳ ҳар куни минглаб одамлар билан гавжум.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси вилоят бўлим бошқарувчиси Илҳом САЪДУЛЛАЕВ:

— Вилоятда сайёҳликни ривожлантириш учун чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ҳудудда соҳани ривожлантириш учун 70 дан зиёд турли хил мулк шаклидаги фирма ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 120 минг сайёҳни қабул қилишимиз режалаштирилган. Шундан ҳозирга қадар 90 минг хорижлик шаҳримиз билан танишиб, ундаги бой тарихий обидаларни томоша қилишга муяссар бўлди. Аслида компаниямиз йилига 500 минг сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

— Самарқандга келаётган сайёҳларнинг сони ошаяптими, уларга хизмат кўрсатиш даражаси қай аҳволда?

— Очиғи, 2001 йилга қадар сайёҳлар ташрифида ўсиш кузатилаётган эди. Аммо қўшни Тожикистон Республикасида бўлиб ўтган нотинчликлар, Афғонистондаги кўп йиллик уруш, айниқса, Америкада 2001 йил 11 сентябрда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракати туфайли сайёҳлик анча зиён кўрди. Бизда ҳам ўсиш тўхтади.

Ҳозирда компаниямиз қошида 2 та муҳташам «Афросиёб палас» ҳамда «Президент Отел Палас» тўрт юлдузлик меҳмонхоналар шаҳримизга келаётган меҳмонларга аъло даражада хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, тарихий обидалар, дам олиш масканлари ва истироҳат боғларида сайёҳлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

2-бет

ЎЗБЕК КУРАШИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

14 октябрь куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида V Марказий Осиё ўйинлари бошланди. Ушбу нуфузли мусобақада вакилларимиз ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

— Марказий Осиё ўйинларига 1995 йилда мамлакатимизда асос солинганди, — деди спортчиларимизни кузатиш маросимида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов. — Шундан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада спортчиларимиз асосий байроқдорлардан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Кичик олимпиадани ўтказишдан кўзланган мақсад эса аввало дўстлик, биродарлик ва аҳил қўшничиликни тараннум этиш ҳамда спортдаги мавқеимизни яна бир бор кўрикдан ўтказиб олишдир.

Аввалги МОЎда спортчилар бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, енгил атлетика, дзюдо, таэквондо (WTF), теннис, милтиқдан ўқ отиш турлари бўйича ўзаро баҳс юритганди. Қувонарлиси, V Марказий Осиё ўйинлари дастурига халқаро майдонда тобора шуҳрат қозонаётган миллий курашимиз ҳам киритилди. Бу тур бўйича эса мусобақада полвонларимиз Рамзиддин Саидов (81 кг, Бухоро), Бобомурод Рустамов (73 кг.), Давлат Чориев (90 кг.), Лазиз Қобилов (100 кг.), Шуҳрат Муродов (+100 кг., барчаси Сурхондарё вилоятидан)лар гиламга чиқишади.

Эркин ХОЛБОБО

❖❖❖

Суратда: мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон спорт делегациясининг чиқиши.

А.ИЛЁСОВ («Жаҳон»АА) олган сурат

БАЛАНДЧАҚИРДА ЯНГИ ЧОЙХОНА

Янгиобод — Жиззах вилоятидаги янги туман. Яқинда шу туман маркази — Баландчақир қўрғонида замонавий, шинам чойхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги чойхона тадбиркор Абдуллажон Турдиқуловнинг шахсий маблағи ҳисобига барпо этилди.

Баҳаво жойда қад ростлаган чойхонада тўй-ҳашам, маросим ва тадбирларни ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилган. Энг муҳими, бу ерда қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари маркази ҳам жойлашди.

Айни пайтда чойхона баландчақирликларнинг севимли жойига айланиб бормоқда. Унинг ёнида спорт майдончаси, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган гузар барпо этилаяпти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BIZNES BANK
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

БИР ШАҲРИСТОН БОРКИМ, САМАРҚАНД ДЕРЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тўғри, муаммолар ҳам оз эмас. Ўтган йиллар давомида туристлик хизмат кўрсатиш мақомини олган 22 та фирма фаолиятига чек қўйилди. Айрим ҳолларда сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар ўртамиёна бўлиб қолмоқда. Шунинг учун соҳани ривожлантириш мақсадида компаниямиз кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Шаҳримизда туризмни ривожлантириш учун реклама-тарғибот ишларини йўлга қўйиш борасида мукаммал режалар тузилмоқда. Асосий масала сайёҳлик базамизни кенгайтириш учун Ургут, Самарқанд, Тойлоқ каби туманларида ҳокимликлар билан биргаликда тарихий қадамжоларни ободонлаштириш устида иш олиб бормоқдамиз.

Бугун туризм шаҳри дея эътироф этилаётган қадим юртга ташриф буюраётган сайёҳларнинг фикрлари қандай? Юртимизга ташриф буюрган бир гуруҳ хорижий сайёҳлар билан суҳбатда бўлдик.

Одет РИКАСА, нафақахўр. Американниг Сан-Франциско шаҳридан

— Мен, тўғриси, Ўзбекистон, хусусан, Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг тарихи ва географик жойлашуви билан қизиқиб юрардим. Ҳамда ана шу шаҳарларга боришни орзу қилардим. Аммо айрим ҳамшаҳарларимнинг «у томонлар ҳозир нотинч», деган гапларидан чўчиб келолмай юрдим. Мана, ниҳоят бу мўътабар диёрнинг тупроғини босиш бахтига муяссар бўлдим. Келиб кўрдимки, юртингиз тинч, одамларнинг ҳаммаси ўз иши билан банд. Шаҳрингиз эса афсонавий, эртаклардагидек ажойиб экан. Мовий гумбазлар, халқингизнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи обидалар ҳамма-ҳаммаси чиройли... Шунақа сокин, осойишта шаҳарда яшаш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Мен юртимга қайтгач, бу заминнинг саховати, бой тарихи ҳақида юртдошларимга ҳикоя қилиб бераман.

Хосе Сантакара САНЧЕС, муҳандис-ўқитувчи. Испаниядан.

— Асосий мақсадим Антрактидадан ташқари бешта қитъани айланиб, халқларнинг миллий қўшиқчилиги ва маданиятига доир асар ёзмоқчиман. Йўлга чиққанимга уч ой бўлди, яна бир йилу уч ойда сафаримни тугатишни режа қилганман. Халқингиз жуда катта маданий меросга эга экан. Бозорларингиздаги тўкин-сочинлик, айниқса, Самарқанд нонлари мени жуда қойил қолдирди. Худди эртаклар оламига тушиб қолгандай ҳис этдим ўзимни. Тарихий обидалар, йўллар четидаги ранг-баранг гуллар, барчаси ўзига хос. Айниқса, меҳмонлар учун яратилган шарт-шароитлар менга маъқул бўлди. Эндиги сафар шаҳрингизга оиламни олиб келаман.

Габриэле КЕЛЛЕР хоним, тадқиқотчи, Германия.

— Мен шаҳрингизга аввал ҳам келганман. Таърифлашга сўз ожизлик қиладиган гўша. Дастлаб афсонавий обидалар, халқингиз эъзозлайдиган улуғ жойларни томоша қилдим. Имом ал-Бухорий мажмуаси юксак маҳорат билан бунёд этилган экан. Кейин аёлларнинг турмуш тарзи билан қизиқдим. Ватандошингиз Хуррам Раҳимов билан ҳамкорликда тўплаган материаллар асосида ҳаммуаллифликда олмон тилида «Самарқанд аёллари» номли китоб ёздим. Ўзбек халқ эртаклари ва халқ оғзаки ижоди бўйича ҳам илмий рисолам чоп этилган. Тез кунда шаҳрингизда китобларимнинг тақдимоти бўлади. Юртингиз жуда гўзал, одамлари самимий ва бунёдкор. Бу ҳақда тарихий обидаларнинг ўзи ҳам ҳикоя қилиб турибди. Тилагим шуки, мамлакатингиз доим гуллаб-яшнасин. Бутун дунё шу заминга талпиниб юрсин.

Сайёҳлар баландпарвоз гапларни айтмади. Самарқандга ортиқча зеб ҳам берган эмас. Бизнинг кўз ўнгимизда ҳар куни содир бўлаётган ва кўриниб турган воқеалар ҳақида ҳаяжон билан гапиришди.

Ҳақиқатдан ҳам Самарқандда туризмни ривожлантириш, сайёҳларга қулай имкониятлар яратиш мақсадида халқаро талаблар даражасидаги аэропорт, темирйўл вокзали, иккита катта шоҳбекат, барча қулайликларга эга 32 та меҳмонхона, 3 та истироҳат боғи, бир неча ўнлаб автокемпинг яратилган. Германия, Франция, Япония, Россия, Америка каби дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатлари билан туризмни ривожлантириш учун халқаро алоқалар йўлга қўйилган. Шаҳардаги Туризм ва маиший хизмат коллежи билан Германия техник маркази ҳамкорлигида ўқув лойиҳалари йўлга қўйилганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Шунча шарт-шароитлар яратилган экан нима учун сайёҳлар ташрифи сезиларли даражада ўсмаяпти? Масалага чуқурроқ ёндашганимизда шу нарса ойдин бўлдики, реклама-тарғибот ишлари қониқарли ташкил этилмаган. Ваҳоланки, реклама қиладиган жойларимиз сон-саноқсиз.

Самарқанд туризм шаҳри бўлишига қарамай бор-йўғи икки марта чет эл матбуотида реклама чиқибди. Самарқанд ҳақида ҳикоя қилувчи рангли босма нашрлар сотуви ҳам яхши йўлга қўйилмагани ачинарли ҳол.

Туристик жойларни кенгайтириш, атроф туманлардаги мўъжиза деб айтиш мумкин бўлган жойларга ҳам сайёҳларни жалб этиш масаласида мутахассис фикрини билмоқчи бўлдик.

Карим САИДОВ, иқтисод фанлари доктори, СамДУ профессори.

— Жуда ўринли масала бу. Ургут туманидаги «Чор чинор» мажмуи, Омонқўтон ёдгорликлари ва машҳур кулол Нўъмон Облоқуловнинг уйида ташкил этилган кулолчилик тарихига оид экспонатлар ҳар қандай кишида қизиқиш уйғотади. Шунингдек, Нуробод тумани ҳудудидаги «Ҳазрати Довуд» зиёратгоҳи ҳам эътиборга молик жой.

Ургутдаги «Чор чинор» мажмуида қад ростлаб турган чинорлар XVIII асрдан ёдгорлик. Чинор танасини ўйиб ясалган мўъжаз хонага ўттиз-қирқ чоғли кишини бемалол жойлаштирса бўлади. Бу мўжиза эмасми? Хуллас келгусида ана шундай жойлар сайёҳлар эътибори учун реклама қилинса, ўйлайманки, албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

Хуллас, соҳада қилинган ишлар баробарида олдинда турган вазифалар ҳам етарли. Мамлакатимиз туристик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш, қўшма корхоналар очиш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш лозим. Имкониятларимиз беҳад катта. Лекин улардан фойдалана олишни ҳам ўргансак халқимиз ҳам, мамлакатимиз ҳам манфаат кўради.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Марказий Осиё мамлакатларида қадимдан жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик, обрў-эътиборли оқсоқолларнинг фикр-мулоҳазалари катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳамжиҳатлик, ижтимоий адолат, ўзаро муросамадора ва бошқалар фикрини ҳурмат қилиш каби демократик тамойилларга алоҳида эътибор берилган.

Давлатни бошқариш масалалари қадимги Мовароуннаҳрда халқнинг ирода-ихтиёрини эътиборга олган ҳолда амалга оширилган. Турли тоифаларга мансуб фуқаролар ўз ихтиёрлари билан уюшмалар тузиш ва ўз ишларини мустақил кенгашиб ҳал этиш имконига эга бўлганлар. Туркистонда қадим замонлардан бошлаб, жамиятнинг турли босқичларида ўзини ўзи бошқариш институтлари, жамоа раҳбарлари, ҳокимлар, амирлар ва оқсоқолларни, қозиларни сайлаш тартиби жорий этилган.

Кўриниб турибдики, Шарқда демократия унсурлари адолатпарварлик, ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлигига асосланган. Шу сабабдан маҳаллий ҳокимият органлари жамият ҳаётини демократлаштиришда Шарқ мамлакатларида, хусусан Марказий Осиё давлатларида минг йиллар давомида шаклланган демократик қадриятларнинг ўзига хос шакллари ва анъаналарини инобатга олишлари, уларни замонавий мазмун билан бойитишлари даркор.

Хўш, жамият ҳаётини демократлаштиришда маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари нималардан иборат?

Энг аввало, маҳаллий ҳокимият органлари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида умумэътироф этилган меъёрлар ва тамойилларнинг илдиз отишини таъминлашлари муҳим аҳамиятга эга. Демократиянинг халқаро микёсда эътироф этилган меъёрлари, хусусан инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва амалга оширишга, озчиликнинг кўпчиликка бўйсиниши, асосий ҳокимият органларининг сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва шу кабилар маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ҳам кенгроқ қўлланилиши керак.

Афсуски, бу борада ечимини кутиб турган муаммолар ҳам бор. Хусусан, кўпгина вилоятларда сайланадиган ва тайинланадиган ҳокимият органларининг сайловчилар ва уларнинг вакиллари олдида ҳисобот беришлари одат тусига кирмаган. Ваҳоланки, Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек, **«...депутатларнинг вазифаси фақатгина** сессияларда қатнашиш, ҳокимни сайлашдангина иборат эмас. Улар вилоят ҳаётига фаол аралашмоғи, муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатмоғи, зарур бўлса, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиш, ҳокимиятнинг ишини холисона баҳолаш, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўйрост гапириш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалаларида ўз ҳиссасини қўшиш лозим».

Назаримизда ана шундай ҳисобот бериш ва назорат қилиш тизимининг тўлиқ шаклланмагани вилоятлар тараққиётининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Демократик тамойиллар, конституциявий меъёрлар ҳаётга татбиқ этилганидагина, инсон манфаатлари устуворлигига эришилгандагина шахс, жамият ва давлат манфаатларини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш мумкин бўлади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг жамият ҳаётини демократлаштириш борасидаги вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғоясини тўла рўёбга чиқариш, демократик қадриятларнинг жамият барча соҳаларига кириб боришини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглигини таъминлаш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг бош тамойили ҳисобланади.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларини демократлаштириш учун маҳаллий ҳокимият органлари иқтисодий ва мулкий муносабатларни оқилона ташкил этмоғи зарур. Иқтисодий муносабатларнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш аввалгамбор, хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усули, режали бошқариш ва тақсимлашнинг ўта марказлашган тизимига узил-кесил барҳам бериш, тенглаштириш ва боқимандалик кайфиятидан қатъий воз кечишни талаб қилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини биринчи ўринга қўйиб, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаши даркор.

Президентимиз Ислом Каримов: «Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка (асосан, хусусий мулкка) муносабатнинг ўзгариши бутун жамиятни ва хусусан, иқтисодий ҳаётни демократиялашнинг бош бўғини бўлди. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади», — деган эди.

Маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг ижодий ва меҳнат имкониятларидан оқилона фойдаланиши, бу имкониятларни давлат суверенитетини мустаҳкамлашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, унинг шон-шуҳрати ва эътиборини жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкамлашга сафарбар қилиши даркор.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУЛОҚОТЛАР, СУҲБАТЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

● **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши**да ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори юзасидан мулоқот бўлиб ўтди. Мазкур сайловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил қилишда фаол қатнашиш масалалари йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Шунингдек, унда Оҳангарон шаҳар партия ташкилотининг барча даражадаги депутатлар билан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

● **Партия Миришкор туман кенгаши** томонидан «Тошкент» деҳқон- фермерлар уюшмасида суҳбат уюштирилди. Унда партия кенгаши биринчи котиби П.Бобоев мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти тўғрисида сўзга чиқди.

● **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши** партия марказий нашрларига 2004 йил учун обунани ташкил қилиш тадбирларини бошлаб юборди. Чунончи, Қорақалпоғистон ҳудудидаги барча шаҳар ва туман партия кенгашлари мазкур масалага бағишлаб фаоллар йиғилишларини ўтказдилар. Уларда қатор вазифалар ҳамда тадбирлар режалари белгилаб олинди. Айниқса, ХДП Тахиатош шаҳар, Тахтакўпир, Тўрткўл туман ташкилотлари бу ишга жадал киришдилар. Аҳамиятли томони шундаки, ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотлари, фаоллари ва депутатлари томонидан кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кишилар ҳамда жамоа илғорларини партия нашрларига обунани партия ташкилотлари ҳисобидан ўтказиш ташаббуси қабул қилинди.

● ХДПнинг 12 йиллигига бағишлаб **Боёвут, Вобкент, Сирдарё, Гулистон, Оқолтин, Тахтакўпир ва Ховос туман партия кенгашлари** томонидан учрашувлар ўтказилди. Партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштироки масалалари мазкур тадбирлар диққат марказида бўлди. Уларда туман партия кенгашлари биринчи котиблари - Д.Ғозибеков, Т. Авезов, М.Ахмедов, М.Бўронова, М.Муродова, А.Матниёзов, Н.Эрматовалар сўзга чиқдилар ва ХДП сафларига янги қабул қилинганларга партия билетларини топширдилар.

● **Ғаллаорол туман партия кенгаши** томонидан ўтказилган тадбир Олий Мажлис XII сессияси якунлари ҳамда ХДП МК V пленуми қарорларининг бажарилишини ташкил этиш масалаларига бағишланди. Булар юзасидан ХДП туман ташкилоти раҳбари Б.Темиров сўзга чиқди. Шунингдек, тадбирда «Шуҳрат» медали соҳиби, туман алоқа бўлими ходими Дилбар Абдуллаевага партия МКнинг табрик хати ҳам ўқиб эшиттирилди. Йиғилишда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Маматов иштирок этди.

● **ХДП Қўрғонтепа туман кенгаши**нинг бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирокидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия кенгаши биринчи котиби З.Каримова сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини ҳудудий партия гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш, обуна мавсумини уюшқоқлик билан олиб бориш ҳамда қатор ички партиявий масалаларга қаратди. Тадбир сўнггида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

● **Партия Жалолқудуқ туман кенгаши** томонидан ўтказилган фаоллар йиғилиши ҳам ана шу масалаларга бағишланди. Булар тўғрисида партия кенгаши биринчи котиби Н.Жўраев сўзга чиқди, БПТ котиблари ҳамда фаоллар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ислоҳот одимлари

ЖИЗЗАХДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

ЎТГАН ЙИЛИ ВИЛОЯТ БОЗОРЛАРИДА 1 КГ. БУҒДОЙ НАРХИ 178-185 СЎМ ЭДИ. БУ ЙИЛ ЭСА 50-60 СЎМ АТРОФИДА...

Дўстлик тумани фермерлари билан бўлган учрашувда вилоят ҳокими Убайдулла Яманқулов Президентимизнинг «Фермер бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси, фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси» деган сўзларини эслатди. Фермерларга қарата айтилган бу юксак баҳога амал қилинаётгани туфайли вилоятда фермерлар сони 2003 йилда 11,5 мингга етди. Пахта ҳосилдорлиги ўртача 7 центнерга ортди. 2001 йилда ҳар гектар экин майдонига ўртача 289 минг сўм сарфланган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 2,9 мартага камайди. Бу олдинги йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги учун 12,5 минг тонна дизел ёқилғиси, 2,5 минг тонна бензин ва бошқа харажатлар тежаб қолинди, деганидир. 2003 йил якуни бундан ҳам самаралироқ бўлиши кутилмоқда. Вилоят бозорларида ўтган йили шу вақтда 1 кг буғдой нархи 175-185 сўм бўлса, шу кечакундузда 50-60 сўмдан сотилмоқда. Бу амалга оширилган ишлар туфайли вилоят аҳолисининг донга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилаётганини кўрсатади.

Жиззах вилоятининг иқлими, географик, экологик жойлашиш шароитлари мураккаблиги сабабли аҳолига ишончли транспорт хизмати кўрсатиш ўта муҳим. Айниқса, кейинги йилларда давлат автокорхоналарида аҳолига хизмат қилувчи йўловчи автобуслар сони камайиб кетиши сабабли йўловчи ташийдиган хусусий транспортлар кўпая бошлади. Пировардида, йўл ҳақи ошди. Биргина Дўстлик — Жиззах йўналишининг йўл ҳақи 300 сўмдан 1,5-2 минг сўмга чиқди. Бориб —келиш 3-4 минг сўмга тушарди. Бошқа жойларда ҳам аҳвол худди шундай эди. Бу одамларда ноқулайлик туғдира бошлади. Қарангки, вилоятда бир неча йилдан буён ҳал бўлмай келаётган бу муаммолар вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари натижасида ечим топа бошлади. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «СамКочАвто» корхонаси автобусларидан сотиб олинди. Ҳозир вилоятнинг барча аҳоли пунктларига арзон, қулай, тезкор автобуслар мунтазам хизмат қилаяпти. Жиззахликларнинг узоғи яқин, мушкули осон бўлди.

Қатор йиллар давомида вилоятда пахта йиғим-терим мавсуми бошлангудек бўлса, бозорлар, йўлларни ёпиб қўйиш, бекитиш одат тусига кириб қолганди. Ҳатто пахта йиғим-теримида қатнашаётганларнинг яқинлари ҳам келиб кўролмасдан қайтиб кетган вақтлар бўлган. Энди эса пахта терими вақтида ҳам барча йўллар, бозорлардан бемалол фойдаланиш мумкин. Натижада иш унуми ошмоқда, нақд пул тушуми кўпаймоқда.

Вилоятда эътибордан четда қолиб келаётган узоқ масофаларда жойлашган қишлоқларга газ олиб боришда ҳам кескин бурилиш ясалди.

— 1957 йилда Бухоро гази Тошкентга келтирилиб, шаҳарнинг «Бешёғоч» майдонида дастлабки газ машъали ёқилган эди, — дея эслайди Жиззах туманидаги Равот қишлоғида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони Тўра Жумаев. — Ўшанда бизга ҳали-бери газ келмаса керак, деб ўйлагандик. Тўғри чиқди. Орадан йиллар ўтиб мана мустақиллигимиз шарофати ила орзу қилиб келинаётган яхшилик иши амалга ошди. Қишлоғимиз ўтган йилдан бошлаб газлаштирилди.

Дарҳақиқат, вилоят бўйича икки йилда 20 дан зиёд узоқ қишлоқлар газлаштирилди. Олис қишлоқлардаги эски мактаб бинолари ўрнига замонавий, янги ўқув қуроллари, техник воситалар билан жиҳозланган 15 та янги мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилиши айни муддао бўлди.

Кишиларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар, қулай имкониятлар яратиб бериш ҳам вилоятда халқ турмуш тарзини яхшилашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда вилоятда кўркам ва замонавий дам олиш масканлари ишга туширилди. Янги барпо этилган «Боғишамол» мажмуаси ўзининг кўркамлиги, манзараси, архитектураси билан кишини мафтун этадиган, баҳри-дилини очадиган, обод гўшалардан бирига айланди. Бу кўркам майдон аллақачон вилоят халқининг севимли масканига айланган.

Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий, Отчопар спорт мажмуаси Жиззах шаҳрининг файзига файз, кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу хайрли ишлар вилоят ҳокимлиги, барча вилоят ташкилотлари раҳбарлари туманларда мунтазам равишда аҳоли билан учрашиб, очиқ мулоқот кунлари ўтказиб бораётгани, одамлар фикри инобатга олинаётгани натижасидир.

Вилоятда аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган яна бир қанча янги хайрли ишлар режалаштирилмоқда, аниқ дастурлар ишлаб чиқилаяпти. Бунда Юртбошимизнинг «Кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар» деб мамлакат фаолларига қарата айтган мурожаатига амал қилинмоқда.

Жўрақул ИСРОИЛОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби

КУЗГИ ЮМУШЛАР

Сўх туманидаги «Шоҳрух» фермер хўжалиги фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Хўжаликнинг 11 гектар ери мавжуд бўлиб, бу ерда картошка ва пиёз етиштирилади.

— Ҳозирда 40 тонна картошкани кавлаб олдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Камолиддин Шарипов. — Етиштирилган картошка ва пиёз маҳсулотларини тумандаги боғча, мактаб, шифохона ва ҳарбий қисмларга етказиб беряпмиз. Шунингдек, туманда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

❖❖❖

Суратда: ишчилар (чапдан) Зайнура Камолова, Ҳафиза Эргашева, Саврихон Нуриддинова ва хўжалик раҳбари Камолиддин Шарипов.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ХАТИРЧИДА ЁҒ ЗАВОДИ

Хатирчиликлар эндиликда Каттақўрғон, Когон ёғ-экстракция заводларига қатнамайдиган бўлишди. Чунки улар туман маркази — Янгиработда ихчамгина замонавий ёғ заводи қуриб олишди. Ҳар суткада ўртача 3 тонна тозаланган истеъмол пахта ёғи ишлаб чиқарадиган бу корхонани тадбиркор Пардамурод Отамуродов вилоят акциядорлик-тижорат «Замин» банкидан олган 250 миллион сўмлик кредити ҳисобига бунёд этди. Россия технологияси, асбоб-ускунасига эга бўлган бу «Зарафшон» ёғ заводида айни пайтда 10 нафар маҳаллий ёш меҳнат қиляпти. Келгусида ишчилар сони янада ортади. Чунки ишбилармон яқин орада кичик корхона ҳузурида хўжалик совуни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ

Кишиларнинг нодавлат секторига муносабатларини тубдан ўзгартириш, чинакам ўрта муклдорлар синфини шакллантириш ва шу кабилар ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг диққат марказида турмоғи зарур.

Айниқса, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш шартларининг соддалаштирилиши, асбоб-ускуна ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминланиши, ёш тадбиркорларга мулк ва хўжалик юритиш шаклларини ихтиёрийлик асосида мустақил танлаш, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё ва кредит заҳираларидан фойдаланиш имкониятининг берилиши жамиятни демократлаштириш жараёнига катта таъсир кўрсатади.

Айни пайтда иқтисодий ва мулкий муносабатларни ташкил этиш борасида ечилмаган муаммолар оз эмас. Тўғри, амалга оширилган ислоҳотлар мобайнида эришилган энг катта ютуғимиз — одамлар онгида рўй берган ўзгариш, уларнинг меҳнатга, мулкка бўлган янгича муносабати билан боғлиқ бўлди. Бироқ замон руҳини ҳис этмаслик, боқимандалик кайфияти ҳамон мавжуд. Мулк эгалари дунёқарашининг ўзгариши оғир кечмоқда, улар ўз манфаатлари учун курашмаяптилар. Ўрта мулкдорлар синфининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни унчалик сезилмаяпти. Бунинг асосий сабаби вилоятларда иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар ва туб ислоҳотлар изчил амалга оширилмаётгани билан боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек, «вилоятда кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Мулк шаклини ўзгартирган корхоналар билан иш услуби эскича қолмоқда». Шу боисдан маҳаллий ҳокимият органлари иқтисодий ва мулкий муносабатларни самарали ташкил этиш, жамиятни демократлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш учун одамларни нодавлат корхоналарида меҳнат қилишга жалб этишлари, уларда мулкчилик ҳиссини уйғотишлари, тадбиркорликни ривожлантиришлари зарур.

Жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш билан боғлиқ. Маҳаллий ҳокимият органлари кўпчилик хоҳишига бўйсуниш ва озчилик ирода-сини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланиб, чинакамига халқ ҳокимиятчилигини рўёбга чиқаришга интилар экан, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш уларнинг яқин келгусидаги истиқболли йўлларидан бирини ташкил этмоғи даркор. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди».

ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ

Маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўз сайловчилари олдида мунтазам ҳисобот бериб боришлари ҳам маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозим. Маҳаллий ҳокимият органларининг салоҳияти кўп жиҳатдан депутатларнинг ўз сайловчилари билан кундалик муносабати ва яқин мулоқотига бориб тақалади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилинаётганда сайловчиларнинг депутатлар билан учрашувига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу фуқароларни ислоҳотлар бориши тўғрисидаги қарорлар, уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлардан бохабар бўлишини таъминлайди.

Плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш ҳам жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнига маҳаллий ҳокимият органларининг фаол иштирок этишини талаб этади. Мамлакатда, унинг бирор бир ҳудудида муайян сиёсий партия ёки гуруҳларнинг қарашлари ҳукмрон мафкурага айланса, кўпфикрлилик, виждон эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги чекланади, мутлақ ҳақиқатга даъво қилиш кучаяди. Жамиятда бир мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилиши фикрлар хилма-хиллигини қарор топтириш, уларни эркин ифода этиш ва ҳимоя қилиш имконини яратади. Шу боис фикрлар хилма-хиллигини кафолатлаш — маҳаллий ҳокимият органларининг устувор вазифаларидан бирини ташкил этади. Бу сайловлар ўтказилаётганда айниқса яққол намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида депутатлар сайлови кўппартиявийлик, демократия тамойиллари ва қадриятлари асосида ташкил этила бошланди. Ҳар бир сайлов округидан депутатликка икки-уч нафар номзоднинг қатнашиши муқобиллик тамойилининг юзага чиқишига имконият яратди. Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши мамлакатда демократик жараёнлар нақадар мустаҳкамланиб бораётганидан, фуқаролар сиёсий маданиятининг юксалаётганидан далолат беради, албатта.

Энди келгуси сайловларда депутатликка номзодларни ҳокимликлар кўрсатмайди. Бундай ҳуқуқ фақат сиёсий партияларга ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига берилган. Сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар, шубҳасиз, сиёсий партияларнинг мавқеини оширади ва реал кўппартиявийлик вужудга келишига қўшимча шарт-шароит яратади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролар нафақат овоз беришда, балки сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ҳам иштирок эта бошладилар. Чунончи, фуқаролар сайлов куни овоз бериш хоналарида кузатувчи сифатида иштирок этиш, овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундай демократик сайловлар, табиийки, маҳаллий ҳокимият органлари характерига ижобий таъсир кўрсатди, натижада уларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнидаги иштироки фаоллашади.

Айни чоғда сайловлар маҳаллий ҳокимият органларининг турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатларига янгича мазмун бахш этади.

Мейли ТЎРАҚУЛОВ,
Қарши давлат университети сиёсатшунослик ва демократик жамият қуриш назарияси кафедраси катта ўқитувчиси.

Соғлом авлод учун

БАРКАМОЛ ИНСОН МИЛЛАТ ШАЪНИДИР

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг (2000 йилгача) маълумотида қайд этилишича, Ер юзидаги 1,5 миллиард одам йод танқислиги хасталикларидан азият чекади. 655 миллион нафари эса буқоққа чалинган, 43 миллион киши йод етишмаслигидан мия фаолиятида салбий ўзгариш сабабли ақлан заифдир.

Йод тақчиллиги нафақат одамларнинг сиҳат-саломатлигига салбий таъсир этади, балки мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, илмий-техникавий тараққиётига салбий таъсир этади.

Дунёнинг турли бурчагида йод тақчил бўлган мамлакатни учратиш мумкин. Чунки қайсики халқ қанча океандан узоқликда яшаса, ўша минтақада йод камаяди. Марказий Осиё ҳам йод тақчил минтақа ҳисобланади. Очиғи, мамлакатимизда ҳам бу масала глобал муаммолардан бирига айланиб боряпти. Айниқса, кейинги пайтда болалар орасида бу касалликнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-текшириш институти болалар буқоқ касалликлари лабораторияси мудири, тиббиёт фанлари доктори Гулнора АҲМЕДОВА билан суҳбатимиз шу муаммо ҳақида борди.

4-бет

Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

ЗАРАРНИ РАҲБАР ТЎЛАЙДИ...МИ?

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА АДЛИЯ ИДОРАЛАРИГА 5309 ТА АРИЗА ВА ШИКОЯТ КЕЛИБ ТУШДИ. БУ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 182 ФОИЗ КЎП ДЕМАКДИР.

Тадбиркорларнинг муаммолари уларни давлат рўйхатига олишдан бошланмоқда. Бундан ташқари улар солиқ ва бошқа назорат идораларининг ноқонуний текширувлари ва бунинг натижасида маъмурий ва молиявий, ҳаттоки жиноий жавобгарликка тортилаётганликларидан норози бўлмоқдалар. Банклардаги тартибсизликлар ҳамда шартнома мажбуриятларига амал қилинмаётганлиги тўғрисидаги шикоятлар ҳам анчагина.

Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида адлия идораларига 5309 та ариза ва шикоятлар келиб тушди (шундан 1477 га яқини шартномавий муносабатлар бўйича ва 289 таси хорижий инвесторлардан). Ачинарлиси, бу рақамлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шикоятлар 182 фоиз кўпайганлигини кўрсатади. Келиб тушаётган аризаларнинг 77 фоизи ўз тасдиғини топаётганлиги кишини сергак торттиради.

Худди шундай «Ишонч телефонлар»ига бўлаётган мурожаатлар сони икки бараварга ошди, яъни 725 дан 1443 тага етди.

«ЎзФармсаноат» давлат концернига қарашли «Ўзкимёфарм» акциядорлик жамияти ва «Дармон» шўъба корхонасида 2002 йил декабрь ойида Миробод туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда Тошкент шаҳар прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан режали текшириш ўтказилади. Текшириш натижасига кўра юридик шахслар томонидан товарларни улгуржи сотиш тартиби корхона томонидан бузилган, деган важ қўйилади. Инспекция ходимлари корхонанинг ҳар бирига нисбатан асоссиз равишда амалга оширган операцияларнинг 100 фоизи миқдорида («Ўзкимёфарм» акциядорлик жамиятига 36,5 миллион сўм, «Дармон» шўъба корхонасига эса 30,5 миллион сўм молиявий жарима қўллайди. Бундан ташқари, корхона раҳбарларига нисбатан Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан (товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш) жиноят иши қўзғатишади.

Адлия вазирлиги томонидан аризани ўрганиш натижасида солиқ ходимларининг ноқонуний молиявий жарима қўллагани, шаҳар прокуратурасининг қонунга хилоф жиноий иш қўзғатгани маълум бўлиб қолди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида «Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳуқуқига эга»лиги белгиланган. «Ўзкимёфарм» ва «Дармон» корхоналари томонидан ушбу қонун талаблари асосида лицензияси мавжуд бўлган тадбиркорларгагина дори воситалари сотилган. Бундан ташқари, дори воситаларини сотиб олган тадбиркорларнинг савдо департаменти томонидан берилган «чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома»лари ҳам мавжуд бўлган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шаҳар солиқ бошқармасидан ва Миробод туман прокуроридан молиявий жаримани қўллаш тўғрисидаги ноқонуний қарорларни ва қўзғатилган жиноят ишини бекор қилиш сўралди. Натижада Давлат солиқ қўмитасининг жорий йилнинг 1 майдаги жавоб хатига асосан молиявий жарима ноқонуний деб топилди. Ушбу корхоналарга нисбатан ноқонуний қўлланилган молиявий жарималар бекор қилинди. Бундан ташқари, «Ўзкимёфарм» корхонаси раҳбарига нисбатан қўзғатилган жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан, яъни ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги учун ҳаракатдан тугатилди. Шунингдек, «Дармон» шўъба корхонаси раҳбари ва бош ҳисобчисига нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳам шу тариқа ўз якунини топди.

Хўш, корхоналарга ва уларнинг масъул ходимларига етказилган зарарларни энди жарима қўллаган мазкур идора раҳбарлари тўлайдими ёки ана шунга айбдор шахсларми? Бу масалалар юзасидан суднинг қонуний ҳукми чиқади албатта.

Шунга ўхшаш ҳолат Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам аниқланди. Шу йилнинг февралида Булоқбоши тумани молия бўлими иқтисодчиси Р.Жўраев «Универсал бозори» ОАЖда ноқонуний равишда ҳужжатли текширув ўтказган. Текшириш жамиятда мавжуд «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га қайд этилмаган. Бу ҳолат адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан молия бошқармасининг 2003 йил 21 майдаги буйруғи билан туман молия бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи У.Акбаровнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилишига олиб келди.

Гулистон туманидаги «Тоҳиржон» хусусий савдо фирмаси раҳбари И.Нормаматовнинг мурожаати янада қизиқ. Хусусий савдо фирмасида ДСИ ходимлари Ж.Мамаражабов ва Б.Нишоналиевлар мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз, махсус гувоҳномасиз ва «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдирмаган ҳолда текшириш ўтказганлар. Натижада ноқонуний равишда текшириш ўтказган солиқчилар жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2003 йил 13 майдаги қарори билан жавобгарликка тортилди ва уларнинг ҳар бири тегишли жазосини олди.

Жарқўрғонлик «Сулаймонбобо» фермер хўжалиги раҳбари М.Юлдашев Адлия вазирлигига ёзган аризасида «Тадбиркорбанк»нинг Жарқўрғон бўлимига кредит сўраб бир неча марта мурожаат қилишига қармасдан умуман жавоб ололмаётганини маълум қилган. Ариза бўйича ўрганиш ўтказилди ва ҳақиқатда банк томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу факт бўйича «Тадбиркорбанк»нинг Жарқўрғон бўлими бошқарувчиси Я.Қобулов ва кредит бўлими мудири Н.Искандаровларга интизомий «жарима» жазоси қўлланилди. Фермерга 1,5 миллион сўм кредит ажратиб берилди.

Сирдарё вилоятининг «Ўроллов Оқил» хусусий фирмаси билан «Шўрўзак» ширкат хўжалиги ўртасида 2001 йил 22 майида газ тармоқлари ўрнатиш юзасидан шартнома тузилади. Шартномага асосан «Ўроллов Оқил» хусусий фирмаси 9.438.456 сўмлик иш бажаради. Бироқ, хўжалик шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармасдан, бажарилган хизмат ҳақи 839406 сўмни тўламасдан келади. Шу боис «Ўроллов Оқил» хусусий фирмасига асосий қарзи 839406 сўмни «Шўрўзак» ширкат хўжалигидан ҳамда хўжалик раҳбари М.Искандаров ва бош ҳисобчиси А.Ярлоқабовлардан етказилган 150 000 сўм моддий ва 200 000 сўм маънавий зарарларни ундиришлик юзасидан вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилди.

Ҳақиқатда бугун адлия идораларига келаётган ариза ва шикоятларнинг оқими кўпайган. Бу бир томондан адлия идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига аҳолининг ишончи ортиб бораётганлигини ифодаласа, бошқа томондан ҳали ҳам жойлардаги баъзи бир тўралар босар-тусарини билмай ишлаётганидан далолат беради. Мамлакатнинг иқтисоди кичик ва ўрта бизнеснинг янада ривожланишига боғлиқ бўлган бугунги кундаги бу суиистеъмолликларни асло оқлаб бўлмайди. Юрт келажаги ва Ватан равнақини ўйлаган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тадбиркорлик ишининг ривожланишидан манфаатдордир. Адлия идоралари эса тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган ҳар қандай ҳолатларга қарши муросасиз курашаверади.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Адлия вазирлигининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи



НОМЗОДЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

БМТ Бош Ассамблеяси матбуот котиби Мишел Монта берган манбага асосланиб Reuters ахборот агентлиги мухбирининг маълум қилишича, Жазоир, Бенин, Бразилия, Филиппин ва Руминия давлатлари 2004 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибидан ўрин олади. Уларни Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига сайлаш 31 октябрь куни бўлиб ўтади.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий 5 аъзосини ҳисобга олмаганда БМТга аъзо барча давлатлар Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига 2 йил муддатга сайланадилар.

Бу йил 31 декабрда Болгария, Камерун, Гвинея, Мексика ва Сурия давлатларининг аъзолик муддатлари тугайди.

ЯНГИ ПУЛ МУОМАЛАГА КИРИТИЛДИ

Ироқда Саддам Ҳусайн тасвири акс этган пуллар кечадан эътиборан янги банкнотларга алмаштирила бошланди. Бу жараён 3 ой давом этади. Ироқ Марказий банкидан маълум қилишларича, шу давр мобайнида 4 триллион динор янгисига алмаштирилиши лозим. Муомаладан чиқарилган эски пуллар эса (кунига 1 миллиард динор) ёндириб юборилади.

Ироқнинг янги пулларида Вавилон ҳукмдори Хаммурапи, ўрта асрларда яшаган араб олими ибн Хайсам, курд деҳқони ҳамда Ироқнинг тарихий ёдгорликлари ва табиат манзаралари акс этган.

Янги пуллар 50 динор, 250 динор, шунингдек, 1,5,10 ва 25 минглик қимматликлардан иборат бўлиб, Англияда чоп этилган.

Ироққа боғлиқ воқеалар хусусида яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШ маъмурияти Ироқ масаласи бўйича янги резолюцияни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгашига муҳокама учун тақдим этди. Бу шу йил августдан бери БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган учинчи резолюциядир. Унинг муҳим жиҳати шундаки, резолюцияда АҚШ Ироқдаги ҳукумат бошқарувини шу йил 15 декабрда ироқликлар ихтиёрига бериш мажбуриятини олган.

Америкаликларнинг айтишича, Хавфсизлик Кенгашига аъзо 15 та давлатдан 10 таси мазкур резолюцияни қўллаб-қувватлашини билдирган. Аслида бунинг учун тўққиз овознинг ўзи етарли.

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪҚУЛЛАМАДИ

Мамлакат парламентида етакчи кучга эга бўлган Жанубий Кореянинг муҳолифатдаги партияси раҳбари Президент Ро Му Хенга ишонч билдириш борасида референдум ўтказиш ғоясига қарши эканлигини билдирди.

«Жанубий Корея буюк миллат партияси» етакчисининг сўзларига қараганда, мамлакатда референдум ўтказилишидан аввал Ро Му Хен ўз ёрдамчиларидан бири аралашиб қолган порахўрлик билан боғлиқ можароларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бериши лозим.

Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатди.

МУЗОКАРАЛАР НАТИЖАСИЗ ТУГАДИ, БИРОҚ...

1999 йилдан бери (ўша йили ҳарбий ҳаракатларга барҳам берилган эди) Сербия, Черногория ва Косово вакиллари биринчи марта музокара столига ўтирдилар. Улар холис ҳудуд Венадаги Австрия Ташқи ишлар вазирлигида учрашдилар. Унга БМТ миссиясининг Косоводаги раҳбари Харри Холькери раислик қилди. Бундан ташқари НАТОнинг амалдаги бош котиби Жорж Робертсон ва НАТОнинг бўлажак раҳбари Яап де Хооп Схеффер, Австрия канцлери Вольфганг Шюссел, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти вакиллари, шунингдек, Косово масалалари бўйича мулоқот гуруҳи (АҚШ, Франция, Буюк Британия, Россия, Италия ва Германия) аъзолари ҳам учрашувда иштирок этдилар.

Белград ва Приштина ўртасидаги совуқчиликка барҳам бериш, қочоқлар масаласини ҳал этиш учрашув кун тартибидан ўрин олди.

Бироқ «Новости» агентлигининг таъкидлашича, музокаралар кўнгилдагидек ўтмади. Учрашувдан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида Косово делегацияси қатнашмади.

Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича аниқ бир тўхтамга келинмади ҳам. Лекин музокаралар натижасиз якунланган бўлишига қарамай, томонларни учрашув столига йиғишнинг ўзи кейинги мулоқотларга йўл очишини кузатувчилар эътироф этмоқда. Сербия бош вазири Зоран Живкович ва унинг ўринбосари Небойша Човичнинг айтишича, Сербия ва Косово ниҳоят бир-бирини эшитишни бошладилар. Демак, қачондир вазият барқарорлашувига умид бор.

Дарвоқе, ноябрь ойида аниқ келишувлар устида иш олиб бориш учун ишчи гуруҳлари фаолият бошлайдилар.

ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Россия Маориф вазирлиги яна икки йилдан сўнг мактабни олтин медаль билан битирган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш имтиёзларини бекор қилмоқчи. Маориф вазирининг биринчи ўринбосари Виктор Болотовнинг «Новости» агентлиги мухбирига хабар беришича, ҳозир бу борада қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. «Ўқувчилар меҳнатини қадрлаш учун медаллар берилиши бекор қилинмайди, фақат уларнинг олий ўқув юртига киришидаги имтиёзлар олиб ташланади» деди вазир ўринбосари. Бироқ мактабларо олимпиада ғолибларига бериладиган имтиёзлар сақланиб қолади. Болотовнинг сўзларига қараганда, туманлараро, ҳудудлараро ва федерация олимпиадаларини ўтказиш бўйича янги тартиб-қоидалар ишлаб чиқилмоқда. Янги тартибга кўра, олимпиада ғолиблари олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинади, фақат ягона давлат имтиҳонидан ўтгач.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, вазирлик ҳар бир олий ўқув юртига ўқувчиларни имтиёзли қабул қилишнинг аниқ квотасини ишлаб чиқмоқчи. Яъни эндиликда имтиёзга эга абитуриентлар (спортчилар, ижодий қобилиятли ўқувчилар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва ходимларининг фарзандлари)га бериладиган ўрин давлат бюджетидаги ўрриннинг 10 фоизини ташкил этади.

Бу йилги қабул жараёнларида шундай воқеалар юз бердики, мактабни олтин медалга битирган ўқувчилар қабул имтиҳонларида ҳатто «уч» баҳога зўрға эришдилар. Экспертларнинг фикрича, олий ўқув юртларига ҳужжат топширган олтин медаль соҳибларининг 14 фоизи қабул имтиҳонларида «3» баҳо олган, 16 фоиз ўқувчи эса имтиҳонларни «5»га топширган.

Баҳолашнинг 100 баллик (энг юқори балл) кўрсаткичига атиги 0,01 фоиз ўқувчигина эриша олган. Шунинг учун вазирлик олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиш тизимига ўзгартиришлар киритиш борасида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборди.

ЭЛЧИ ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

Украина Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати раҳбари Маркиян Лубкивскийнинг маълум қилишича, Украина Польшадаги ўз элчиси Александр Никоненкони чақириб олди.

Ҳозир Никоненко Украинада. Яқин кунларда у истеъфога чиқарилади. Сабаб: маст ҳолда полиция қўлига тушган.

Гап шундаки, Польша оммавий ахборот воситалари «шов-шув» қилишларича, шу йилнинг 25 августида элчи маст ҳолда автомобиль бошқарган ва полиция томонидан тўхтатилиб, маҳкамага олиб борилган. Унинг ёнида ҳужжатлари бўлмаган. Дипломатик ваколатга эгалиги аниқланганчагина унга нисбатан Варшаванинг Мокотовск участка прокуратураси томонидан очилган иш ёпилган.

1 ЯНВАРДАН КУЧГА КИРАДИ

Испания парламенти ўзгартиришлар киритилган ажнабийлар тўғрисидаги янги қонун вариантини кўпчилик овоз билан маъқуллади. ЭФЭ агентлиги маълум қилишича, Испанияда муҳожирлар оқимини тартибга солувчи бу қонун 2004 йил 1 январдан кучга киради.

Қонундаги энг асосий янгилик шуки, Испанияга бориш ҳуқуқини берувчи визалар ишга жойлашиш ҳуқуқи билан 3 ой муддатга берилади.

Мазкур қонунга қарши овоз берган партия вакилларининг айтишларича, унинг салбий жиҳати шуки, Испанияда беш йил яшаб, ишлаган муҳожир аввалги қонун бўйича жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш ҳуқуқини расмий қўлга киритган бўлса, бу қонунда ундай ваколат бекор қилинган.

Маълумотларга қараганда, шу кунларда мамлакатда ҳужжатсиз юрган муҳожирлар сони 500 мингдан 1 миллионтагача етади.

Соғлом авлод учун

БАРКАМОЛ ИНСОН МИЛЛАТ ШАЪНИДИР

(Давоми. Боши 3-бетда.)

— Гулнора Нишоновна, айтинг-чи, тиббиёт тараққий этиб бораётса-да, нега катталар ва болалар ўртасида йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар, қандли диабет, буқоқ камаймаяпти?

— Йод тақчиллиги, айтмоқчиманки, минтақамизда, кеча ёки бугун рўй бераётган ҳодиса эмас, Ер шарининг исталган, уммондан узоқ мамлакати табиатнинг азон қатламидан тортиб тупроғигача йод етишмаслигидан азият чекади. «Йод тақчил ҳудуд» деб жар солганимиз билан бу муаммони ҳеч ким бизга ечиб беролмайди. Гап унда эмас. Ҳамма муаммо ана шундай «йод тақчил ҳудуд»да яшаб, унга қарши ўзимизда «ҳимоя қобиғи» ярата олмаслигимизда. Шунинг учун турли хил касалликлар кўпайиб боряпти.

Буқоқ болалар ва ўсмирларда жисмонан заифлик, жинсий ривожланмаган, умумий интеллектнинг пасайишига олиб келади. Йод тақчил ҳудудда истиқомат қилаётган болаларнинг лаёқатлилик даражаси йод билан нормада тўйинган тенгдошларидан 10-15 фоиз паст бўлади. Касаллик оқибатида одамларнинг интеллекти пасаяди, демакки, унинг меҳнатга, яшаш тарзига, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабати сустлашади.

Инсоннинг саломатлиги жамиятнинг энг катта бойлигидир. Жамиятда яшовчиларнинг интеллекти пасайган сайин, ўша жамиятнинг иқтисодий ривожи, фан-техника тараққиёти ҳам пасаяди. Бу табиийки, жамиятни қолоқлик ботқоғига торта бошлайди. Бугунги кунда мамлакатимизда 1200 нафар бола йод тақчиллиги, қандли диабет хасталиги билан оғриганлигининг ўзиёқ хотиржамликка берилмасликка даъват этади. Афсуски, бизда баъзи ота-оналар, умуман, гоҳида болалар шифокорлари ҳам боланинг бу касалликка чалинганлигини пайқамайдилар ёки эътибор бермайдилар.

1998 йилда тиббиёт фанлари доктори, профессор Саид Исмоилов етакчилигидаги институтимиз олимлари республикамизнинг 6 вилояти аҳолиси орасида регистр-илмий кузатишлар олиб борди. Текшириш натижаси шуни кўрсатдики, Фарғона водийси, Самарқанд вилояти, Қорақалпоғистонда аҳолининг 80 фоизи (!) буқоқ касаллигининг у ёки бу кўринишига чалинганлиги аниқланди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, хасталикка чалинганларнинг кўп қисмини болалар, 50 фоизини ўсмирлар ташкил этиши ташвишланарли ҳол, албатта. Демак, болада буқоқ бўлса, аста-секин организмини «емириб» боради, натижада у жисмонан, ақлан заифлаша бошлайди.

Биз текшириш ўтказганимизда «Навоиазот», «Хўжаикент»да тайёрланаётган тузлар талаб даражасида бўлмаса-да, оз миқдорда йодланган, «Борса келмас» тузлари эса умуман йодланмагани аниқланди. ЮНЕСКО экспертлари неча бор текшириш ўтказди, баъзи директорлар вазифасидан озод этилди, лекин аҳвол барибир ўнгланмаяпти...

— Докторлик ишингиз ҳам болаларда бу хасталикни жуда эрта аниқлаш усулларига қаратилган. Бу қандай усул эди?

— Ёш болаларда қандли диабет, буқоқ касалликлари туғма ёки организмдаги витаминларнинг етишмаслиги, нотўғри овқатланиши оқсилларнинг камайиб кетиши таъсирида пайдо бўлиши мумкин. Бундай болаларнинг соч ўсишини ота-онаси, болалар шифокори кузатиши керак. Маълумки, соғлом боланинг сочи ойига 3-4 сантиметр ўсади, беморники 1 сантиметрдан ошмайди, организмда қанд моддаси аста-секин ортиб боради.

Болалардаги қандли диабет, буқоқ касаллиги эса болага ота-онадан, айниқса, отадан кўпроқ ўтади. Болаларнинг бўйи паст, ҳатто пакана, яъни «карлик» бўлиб қоладилар, авлоддан-авлодга бўйи пасайиб, гавдаси кичрайиб, майдалашиб боради.

— Хорижий давлатларда диабетларнинг халқаро федерацияси анжуманларида қатнашяпсиз. 1998 йилдан буён қандли диабет касаллигини ўрганиш бўйича Европа ассоциациясининг аъзосисиз. Айтинг-чи, хорижда бу масалани қандай ҳал этишади. Ёки бу муаммо фақат биздами?

— Биламизки, Ўзбекистон географик жойлашишига кўра, уммондан, денгиздан олис, яъни географик иқлимида йод тақчил ҳудуддир. Ҳавода, сувда, умуман, бизни ўраб турган муҳитда йод кам, азалдан шундай бўлиб келган. Бу фақат бизда эмас, Америкада, Европада, Италияда, ҳатто дунёнинг «жаннати» Швейцарияда ҳам йод тақчил жойлар бор. Айтмоқчиманки, бу фожиа эмас. Лекин «йод тақчил»лигига муносабатда осмон билан ерча фарқ бор. Мана, сизга бир мисол. Хизмат сафари билан Германияда, яқинда Францияда бўлдим...

— Яқинда Францияда бўлиб ўтган Эндокринологларнинг Халқаро конгрессидан қандай таассуротлар билан қайтдингиз?

— Ҳар йили эндокринологларнинг халқаро анжуманларида қатнашаман. Францияда «Болалар ва ўсмирлар орасидаги қандли диабет хасталиги ва унинг асоратлари» мавзуида маъруза қилдим. Бу муаммо хорижда ҳам мавжуд. Бемор болалар, ўсмирлар умуман, хасталиққа чалинганлар йодомарин билан мунтазам бепул таъминланади, яна бир томони, уларнинг ҳаммаси масалан, Германияда глюкомитор — ўз-ўзини назорат қилиш аппаратига эга. Бемор унинг ёрдамида исталган пайтда ўзини ўзи «кўрик» қилаверади. Бу уларнинг умрини узайтиради. Биздаги беморларда эса касалликнинг асорати оғир кечяпти. Тараққий этган мамлакатларда аввало, касалликка қарши профилактика — йодомарин таблеткалар, тузларни йодлашга катта аҳамият берилади. Афсуски, кейинги йилларда бизда тузларни йод билан тўйинтириш қониқарсиз аҳволга тушиб қолди. Маълумки, ЮНЕСКО томонидан мамлакатимизда бу муаммони ҳал этиш учун 20 тонна йодат калий берилган. Яъни, тузларни йодлаш учун хомашё бор. Илгарилари туз Украинада йодлантириб келтириларди. Ўзимизнинг «Навоийазот», «Хўжакент — Сурхондарё» туз конлари ва тузни қайта ишловчи саноат корхоналари фойда кетидан қувибми, меҳнатидан қочадими, сарф-ҳаражати кўпроқми, ҳар қалай тузни етарли миқдорда ёки умуман йодламаяптилар.

Ота-она фарзандининг соғлиғини кузатса, бу хасталик бошланган боланинг тиши кеч чиқади, кеч эмаклайди, юриши ҳам чўзилади, териси қуриб қолади, қабзият кузатилади, юз-кўзи шишинқираб туради, оғзини очиб нафас олади, яъни жисмонан «кеч» ривожланади. Агар бола мактаб ёшига етиб қолган бўлса, у ҳатто оддийгина китоб-дафтар олиш, тоза уст-бош кийишдай кундалик юмушини уддалай олмайди, ўқий олмайди, яъни унинг умумий интеллекти йўқолади.

— Ўлкамиз ноз-неъматларга, меваларга бой. Қайси мева ёки полиз маҳсулотининг таркибида йод кўп? Болаларимизга қайси меваларни кўпроқ беришимизни тавсия этасиз?

— Фикрингизга қўшилмайман, тўғри, сиз баъзи шифокорларнинг «Анжир, денгиз карами, хурмо таркибида йод кўп, истеъмол қилинг» деган маслаҳатига асосланиб шундай деяпсиз чоғи. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳавода, сувда, ерда, умуман бизни ўраб турган макон «йод тақчил ҳудуд» бўлсаю, қандай қилиб меваларнинг таркибида организм учун етарли миқдорда йод бўлсин? Йод асосан океан сувида бўлади. Шунинг учун биздаги бу муаммони фақат махсус дастур асосида ечиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, йод тақчиллиги натижасида келиб чиқадиган хасталиклар аҳолининг бугуни, эртасига, яъни авлоднинг интеллектуал салоҳиятига даҳлдордир. Муаммонинг ечими учун эса ҳар биримиз ўзимизда авлод баркамоллигини сақлаб қолишга масъулият ҳиссини сезиб яшашимиз ва ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Зеро, баркамол инсон миллат шаъни, ғуруридир.

Суҳбатдош:
Саида САЙХУН

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ўзбекистон қаҳрамонлари

САНЪАТКОР САБОҚЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ДАРҒАЛАРИДАН БИРИ ЗИКИР МУҲАММАДЖОНОВГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» ЮКСАК УНВОНИ БЕРИЛДИ.

Зикир Муҳаммаджонов деганимизда, чеҳрасидан покиза иймон ва нури ҳидоят ёғилиб турган, юзидан ним кулгу аримаган, самимий ва камтарин инсон кўз ўнгимизда гавдаланади. У ўзининг сермазмун ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўзбек маданияти, театр ривожига бахшида этди. Атоқли санъаткоримизнинг умри ва бутун ижодий фаолияти Миллий театр тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Миллий театримизнинг ютуқларини Зикир Муҳаммаджоновсиз тасаввур қилиш қийин. Ўз навбатида актёрларимизнинг машҳур бўлишида театрнинг ўрни чексиздир. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов жуда тўғри таъкидлаб айтган эди: «...Неча йиллар давомида ўзининг бекиёс санъат ва маҳорати, классик асарларининг бетакрор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз мухлисларини, балки дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъб театршунос ва мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдиргани маълум...» Зикир Муҳаммаджонов ўзининг ижодий фаолияти давомида турли мавзулар ва жанрларда кўплаб ажойиб, баркамол, тўлақонли образлар яратиб, халқимиз қалбидан муносиб ўрин олди. Санъат мухлисларининг чексиз ҳурмат-эътиборини қозонди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ўзбек миллий артистлари ичида ҳеч ким Зикир Муҳаммаджоновдай ҳаётда, санъатда, театршуносликда, жамоат ишларида фаол бўлолмаган. У шунчалик кўп иш, вазифаларни бажарганки, уларни кўздан кечириб, бу заҳматкаш инсон иродасига, заковатига ҳайратланасан. Санъаткор театрда юздан ортиқ, кинода элликка яқин, телефильмларда эса кўплаб роллар ижро этган. Булардан ташқари машҳур фильмлар дубляжида иштирокининг сон-саноғи йўқ. У театрга оид талай мақолалар, санъаткорлар ҳақида рисолалар, хотира китобларини чоп эттирди.

Зикир Муҳаммаджонов муваффақиятларининг омиллари нимада?

Авваламбор Аллоҳ берган истеъдод, ҳаёт сабоқлари, устозлар ибрати ва айниқса, ўқиш-ўрганиш, тинимсиз меҳнатдир. Бу ҳақда у ёзади: «... актёр ҳамма фанларни билиши керак. Айниқса, ҳозирги замон актёри билимлар билан мукаммал қуролланган бўлиши шарт...» Шу сўзларига ўзи тўла амал қилгани учун актёримиз ўз билимини ошириш ниятида Маннон Уйғур номли театр-рассомчилик институтини тугатди. У ишлаб туриб ўқиди. Театрда устозлардан сабоқ олди. Назарий билим билан амалиётни омухта этди. Кейинчалик у ёзади: «Энди ўйлаб кўрсам бу илм билан театрдаги устозлардан ўрганганларим бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган экан... Ва шу йўлда менга ёрдам берган ҳар икки даргоҳдаги домлаларимга таъзим бажо келтираман». Баъзан бироз ютуқларга эришган айрим кимсалар устозларини менсимай қўядилар. Ана шундайларга санъаткорнинг камолотга элтган камтарлиги ибратлидир.

Унинг парвозига қанот бўлган омиллардан яна бири меҳнатдир. «Истеъдод санъаткорнинг қаноти бўлса, — деб таъкидлайди у, — меҳнат парвозини вужудга келтирувчи қувватдир. Санъат деган улуғ номга доғ туширмасликнинг ягона йўли ҳалол, машаққатли меҳнатдир». Санъаткорнинг меҳнати ҳаммасидан оғиррокдир. У кечалари ёд олади, кундузлари одамлар орасида, бозорда, меҳмонда, хуллас қаерда бўлмасин, ўрганиш, маҳоратини чархлаш билан банд. Актёрнинг ўзи бу ҳақда: «Агар таъбир жоиз бўлса санъаткорнинг меҳнатини асаларининг мисқоллаб бол йиғишига ўхшатгим келади. Асалари заррадан ботмон ҳосил қилади. Иқтидор ва истеъдод эса узлуксиз меҳнат билан камол топади» дейди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, Зикир Муҳаммаджонов бу қийинчиликларни мардона енга олди. Натижада ҳар бири санъатимиз дурдонасига айланиб қолган образлар яратилди. Булар Бойтемир («Сарвқомат дилбарим»), генерал Раҳимов («Генерал Раҳимов»), Обиджон («Тобутдан товуш»), Беруний, Самандар, Улуғбек, Абдуллатиф, Борис («Момақалдирок») Заргаров («Сахро тор»), Эдигей («Асрга татигулик кун»), Жалол («Истанбул фожиаси»), Алишер Навоий, Роллер («Қароқчилар») кабилар томошабинлар қалбида чуқур из қолдирган.

Бизни ҳаяжонга соладиган томони яна шундаки, у яратган образлар ижобий ёки салбий бўлишига қарамасдан улар турли замонларда ҳаёт кечирган, бошқача муҳит, бошқа шароитда яшаган, ҳар хил феъл-атворга эга бўлган шахслар актёримиз ижросида ўзига яраша талқинини топган.

Унинг ижодида қаҳрамонлик пафоси етакчидир. Санъаткор Раҳимов ва Самандар, Беруний ва Улуғбек, Аленде ва Алишер Навоий орқали юксак инсоний фазилатларни, адолат ва ҳалолликни, поклик ва вафодорликни мадҳ этиб, уларни улуғлаб ибрат олишга чорлайди. Ижобий намуна сифатида томошабинларни тарбиялаш учун бутун истеъдодини сафарбар қилади.

Зикир Муҳаммаджонов ниҳоятда билимдон, зийрак санъаткор. У тарихий шахсларнинг образини яратганда улуғ шахслар характеридан замонамиз учун зарур бўлган масалаларни бўрттириб баён этишга аҳамият беради.

Санъаткор ҳақида гап кетганда унинг устозлик сифатларини айтмай ўтолмаймиз. Миллий театр остонасига шогирд бўлиб келиб, аста-секин ўзи ҳам устоз даражасига кўтарилиб борди ва кўп ёшларга саҳна сирларидан, бадиий маҳоратдан сабоқ берди.

У киши 80 дан ўтиб бораётган бўлса ҳам, унинг санъати ҳайрон қоларли даражада қайноқ ва юксакдир. Бунга икки сабаб бор. Биринчидан, ўз табиати жиҳатидан у оптимист, иккинчидан, маҳоратини ҳамиша чархлаб боради. Унинг қуйидаги сўзлари характерлидир: «Мен ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам қариб қолишни истамайман... Кучли шахсларнинг ролларини ўйнашни ёқтираман».

Бу эътироф иш ва ҳаракат билан ўз тасдиғини топмоқда. Ижоди ҳам, ўзи ҳам ҳамиша навқирон бўлган бу санъаткор доим изланишда. Зикир Муҳаммаджонов томонидан ўтказилган учрашувлар, берилган томошалар, ўқилган монологлар, олиб борилган ижодий кечалар мухлислар қалбидан бир умр ўчмаса керак. Ҳақиқатан ҳам умрнинг баҳоси элга қилинган хизматлар билан белгиланади. Шунинг учун унинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ёшлар учун ибрат мактабидир.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
профессор

Лўқма

ҲУМО ҚУШИ ҚАНИ?..

Якшанба куни сингилчамни олиб, Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғига бориш учун «Ўзбекистон» метросига тушиб, поездни кутиб тургандик, сингилчам бирдан «ҳумо қуши... ҳумо қуши қани?» — деб қўлимни силкий бошлади. Аввалига тушунмадим, сўнгра у кўрсатаётган томонга қарадим, дарвоқе, ўзим ҳам лол қолдим. Перрон (фойе)дан зинага чиқиш йўлаги пештоқига мозаикадан ишланган тасвирда, гарчи мамлакатимиз мустақиллигига 12 йилдан ошган бўлса-да, ҳануз собиқ иттифоқ давридан қолган давлат герби турарди. Яқинда ўроқ ва болғани олиб ташлаб яхши иш қилишибди албатта. Афсуски, унинг ўрнини суваб қўйиш билан чекланишибди.

«Тошметрострой» молиявий жиҳатдан камқувватли ташкилотлардан эмас. Метросозлар раҳбарлари эътирозимиздан ранжимай, шу ерга давлатимиз гербини қўйишса маъқул иш бўларди, деб ўйлайман.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЙЎҚОЛГАН ПИЧОҒНИНГ СОПИ — ОЛТИН

«Йўқолган болтанинг дастаси — олтин»; «Кетган балиқ — кемадек» (Бу мақоллар билан: «Аввало бировдан омонат олинган нарсани йўқотма, синдирма, узма, бузма. Акс ҳолда таомилга кўра, ўрнига ундан яхшироқ нарса беришинг керак бўлади. Чунки, эгаси ўзининг йўқолган нарсасини «ана ундоқ эди, мана бундоқ эди» деб мақтаб, баҳосини ошириб, ўрнига тўлаган унча-мунча нарсангни назар-писанд қилмайди», дейилмоқчи.)

ЙЎЛ БУҒДОЙГА — ЙЎҚ ТЕГИРМОН

«Чиқмаган буғдойга — ўтмаган ўроқ». Бу мақолларни ҳали вужудга келмаган, вужудга келиши даргумон бўлган нарсаларни орзу қилувчи, шу ҳақда ўйлаб, шу ҳақда бош қотириб юрувчи одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Спорт

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ» ТУРНИРИДА

13-14 октябрь кунлари «Жар» спорт мажмуи кураш шинавандалари билан гавжум бўлди. Икки кун давом этган «Маҳалламиз паҳлавонлари» анъанавий турнири республика финал босқичи кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда 1989-91 йилларда туғилган қиз ва ўғил болалар 14 вазн, фахрийлар эса 4 вазн тоифаларида гиламга чиқишди.

— Қашқадарёлик ёш полвонлар ўтган йили ҳам турнирнинг кўчма кубогини қўлга киритганди, — дейди умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Қашқадарё вилояти полвонлари бош мураббийи Пўлат Омонқулов. — Бу гал ҳам шу юксак натижани қайд этдик. Бунга «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаси қуйи босқичларида фаол иштирок этганлигимиз туфайли эришдик.

Маҳаллалар ёш полвонлари ўртасида фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига насиб этди.

Фахрийлар ўртасидаги беллашувларда Абдурашид Мирзаев (60 кг. Қашқадарё), Фатҳилло Холиқов (70 кг. Бухоро), Чоршанби Тўраев (80 кг.), Қўлдош Худойқулов (90 кг. иккаласи Сурхондарё вилоятидан)лар бош соврин соҳиби бўлди.



КУБОКНИНГ ЁШ СОҲИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан минг нафардан ортиқ ёш каратэчи қатнашди.

Муросасиз кечган беллашувларда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари бош совринни қўлга киритди. Қашқадарё ҳамда Андижон вилоятлари вакиллари кейинги фахрли ўринлардан жой олишди.

— Бундай катта мусобақада биринчи марта иштирок этишим, — дейди ёш каратэчи Абдулсамо Абдураҳмонов. — 1996 йилда туғилган болалар ўртасида ўтган баҳсларда олтин медалга сазовор бўлдим. Ўзим Чирчиқ шаҳридаги 26-мактабнинг 1-синфида ўқийман. Мусобақадан уйга жуда хурсанд қайтяпман.

❖❖❖

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



Интер-спорт

КАФЕЛЬНИКОВ ШУБҲА ОСТИДА

Профессионал теннисчилар ассоциацияси бир-бири билан келишиб ўйновчи теннисчиларга қарши расмий қарор чиқарди. Унга кўра, бундай теннисчилар уч йилгача мусобақага қўйилмай, 100 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга мажбур қилинади.

Ҳозирча, исботини топмаган бўлса-да, Лион шаҳрида ўтказилган мусобақада Евгений Кафельников билан испаниялик Фернандо Висенте учрашувига мутахассислар шубҳа билан қарашмоқда. Бу учрашув Фернандонинг муваффақияти (6:2, 6:3) билан тугади. Racing Post букмекер идораси ходимларининг фикрича, бу учрашувга келишилган деб қаралмоқда.

ТЕЛЕФОН ПАНД БЕРДИ

Пловдив шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган Европа чемпионатида украиналик гроссмейстер Руслан Пономарев кутилмаганда ўйиндан четлаштирилди. Бунга ўйин пайтида унинг уяли телефони жиринглаб қолгани сабаб бўлди. Гап шундаки, бу шахматчи шу куни ўзининг 20 ёшини нишонлаган эди. Кимнингдир ўйин пайтида табриклаш учун қилган қўнғироғи, шахматчи учун қиммат-га тушди. Унга мағлубият ёзилиб, Украина — Швеция жамоалари дуранг ўйнади — 2:2.

Акционерное общество «Бухоротекс» ГАК «Узбекенгилсаноат», расположенное в г.Бухаре, объявляет о проведении ТЕНДЕРА

по проекту создания ДП «Зумрут» по организации тростильно-крутильного производства с выпуском махровых полотенец.

Создаваемые мощности:
1350 тонн крученой кардной х/б пряжи метрического номера Nm 54/2 и 3622 тыс. штук махровых изделий.
Финансирование проекта должно быть осуществлено за счет кредита иностранных банков.
Желающих принять участие в тендере и получить положение о его проведении просим обращаться ***по адресу:***
705022, Бухарская область, г.Бухара, ул. Промышленная, 2, ОАО «Бухоротекс»
Тел.: 8-365-22-30621, 24984, ***23761***
Предложения участников тендера с отражением технической и экономической характеристик проекта принимаются в течение 1 месяца с даты публикации настоящего объявления.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 1996 йил 30 мартда Пирназар Ортиқович Эльмуратов номига берилган №011273 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сирғали туманидаги 305-мактаб томонидан Икромов Жамол Жаҳонгирович номига 2002 йилда берилган ORZ 1412651 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 21 октябрь, сешанба куни чиқади